



Жалқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2004 йил 15 декабрь, № 257 (3532)

Чоршанба

26 декабрь

Халқ. Демократия. Сайловлар

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР — БУХОРОДА

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга ўтказилган сайловларга саноқли кунлар қолди. Бўлажак сайловлар хорижда ҳам таълимчилардан ҳам қатъи қизиқиш уйғотмоқда. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси чекланган миссияси юртимизда ўтадиган сайловларга тайёргарликни синчковлик билан ўрганаётгани ҳам шундан далолатдир. Бир неча кундирки,

ЕХХТ кузатувчилари Макс Озер ва Пребен Расмуссен Бухоро вилоятида сайлов кампанияси билан танишмоқда. Улар депутатликка номзодлар, сайловчилар билан учрашди.

«Биз мамлакатингиз парламентининг куйи палатасига бўлажак сайловнинг ЕХХТ нуктаи назаридан демократик таъминоти, халқро андозалар ва Ўзбекистон қонунчилигига нақадар мос ҳолда ўтишини кузатиш ниятидамыз», — деди Макс Озер. ЎзА мухбири билан суҳбатда. — Бу жараёнда давлат орган-

лари, оммавий ахборот воситалари, сайлов комиссиялари, сайлов округлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратамиз. Сайловчилар билан учрашиб, уларнинг фикрларини ўрганаёмиз. Сайлов ниятига етгач, ЕХХТ экспертлари кузатувлари натижалари эълон қилинади.

Миссия аъзолари Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи айрим сайлов округлари иш фаолияти билан танишиб, ўзларини қизиқтирган барча саволларга аниқ жавоб олди. Бухоро шаҳридаги 34-мактабда де-

путатликка номзодларнинг сайловчилар билан ўтган учрашувида иштирок этди.

— Ўзбекистонда биринчи марта бўлишим, лекин шу қисқа муддатда халқининг хушмуомалалиги, меҳмондўстлиги ҳақида етарлича тасаввур ҳосил қилдим, — деди Макс Озер. — Мен жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида, қадимий шаҳарларида бўлганман. Лекин Бухоро обидаларининг гузаалиги мени хайратга солди. Уйлайманки, мустакил Ўзбекистон халқро ҳамжамият, жумладан ЕХХТ билан ҳам ҳамкорликни янада ривожлантираверлади.

Илҳом САФАР, ЎзА мухбири.



АМНИСТИЯ:

ИЖРОНИ ИЗЧИЛ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда Юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида адолатли фуқаролик жамиятини қорор топтириш, демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони бу борада тузилган билан амалга оширилган давранинг давоми бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасида мазкур Фармон ижроси таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган йилги ҳақда шу ҳақда сўз борди.

Унда Бош прокуратура, Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ходимлари, республика «Маҳалла» хайрия жамғирмаси ҳамда тегишли идора ва ташкилотлар

вакиллари иштирок этди. Ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор Р.Қодиров бошқарган тадбирда сўзга чиққанлар мазкур Фармон ижроси юзасидан ишлаб чиқилган тадбирлар ва ишларнинг давоми бўлди.

Фармон ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бошқармасида мазкур Фармон ижроси таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган йилги ҳақда шу ҳақда сўз борди.

Унда Бош прокуратура, Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ходимлари, республика «Маҳалла» хайрия жамғирмаси ҳамда тегишли идора ва ташкилотлар

иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман бўлимлари озодликка чиққан шахсларнинг ижтимоий-маиший таъминоти ва уларни ишга жойлаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратиши лозим.

Йилги ҳақда Амнистия тўғрисидаги Фармон талабларини беҳамум-кўст бажарилишини таъминлаш, аҳоли ўртасида унинг аҳамияти, мақсад ва моҳияти, инсонларнинг тамойилларини кенгроқ ва атрафлироқ тушунириш ҳуқуқини муҳофаза қилувчи органлар ва кенг жамоатчиликнинг энг муҳим вазифаларидан бири экани алоҳида таъкидланди. Бу борада бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Бехзод НОРБОВЕ, ЎзА мухбири.

Тойлоқда бунёд этилган Агротехника коллежи 600 нафар қишлоқ ёшларини ўз бағрига олди. Қарийб 6 гектар майдонни эгаллаган ушбу ўқув масканида фан кабинетлари, кутубхона, анжуманлар зали, очик ва ёпиқ спорт иншоотлари, шунингдек, теннис корти мажмуи бўлиб ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун барча шароитлар муҳайе этилган. Бу ердаги ўқитувчилар ҳам ўз касбининг чинакам фидоиларидир. Яна бир эътиборли томони шундаки, коллеждаги барча жиҳоз ва мебеллар ўзимизда, Самарқанддаги «Стеклопластик» корхонасида ишлаб чиқарилган.

СУРАТДА: олий тонфали ўқитувчи Роҳида Комилов ўқувчилар даврасида.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Нодира номидagi Наманган вилояти кутубхонаси ходимларининг изланувчанлиги жамоа имкониятларини кенгайтирмоқда.

Кутубхоначилар грант соҳиб

Зиё улашувчилар яқинда АҚШ элчихонасининг 35 миң долларлик грантини қўлга киритдилар. Мазкур лойиҳа асосида кутубхоначилар энг замонавий электроника воситалари — 6 та компьютер, оливайи кинотеатр, рақамли фотоаппарат, рангли телевизор, шунингдек, мебель жиҳозлари олишти. Американа нашриётларида чиқарилган 20 миң долларлик адабиётлар эса инглиз тилини чуқурроқ ўрганишда китобхоналарга асқотди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ДЕПУТАТ МАЪНАВИЯТИ

у қандай бўлмоғи лозим?

Мамлакатимиз, халқимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — парламент сайловлари арафасида барчамизни, авваламбор, депутат аслида қандай бўлиши керак, унинг жамиятда туган ўрни ва мақоми, маънавий қўёғаси, ахлоқий-эстетик олами қандай бўлади, депутат ўзига ҳос қандай вазифалар билан ажралиб туриши лозим-у, унга нима қилмоғи бўлмоғи даркор, деган қатор саволлар қизиқтириши, табиий.

Хар бир эркин фуқаролик жамиятида депутатнинг ўрни беихоро муҳим. Чунки демократик жамиятини қонунлар бошқаради. Қонунларни эса депутатлар тайёрлайди ва тасдиқлайди, ҳаётга жорий этади. Ўз навбатида депутатларни сайловчилар сайлайди. Демак, давлатни бошқаришда иштирок этиш учун сайловда фуқароларнинг нечоғли фаол қатнашиши, уларнинг ким учун овоз бериши аҳамиятлидир.

Энг яхши ва муносиб депутат деганда Би эркин, овоз ва обод ҳаёт барпо этиш йўлидаги ҳар бир муаммоларни ҳал қилишда бор салоҳияти ҳамда истеъдодини бағишлайдиган фидоий инсонни тушунамиз. Бутун халқ тақдирини, жамият истиқболини, мамлакатимиз келажаги ҳал билан бирга иш қўриш, адолат меzonига қатъий амал қилишда экан, қийинчиликларни биргалликда енгиш, ҳаётнинг залворли юқини елкасида қўтариб келаятган инсонлар манфаатини ҳимоялаш депутатнинг нафақат вазифаси, балки муқаддас бурчи ҳамдир. Эеро, депутатлик шунчаки мартаба ёки лавозим эмас, аввало, масъулиятдир. Халқни энг унинг йўлида ўзига эргаштира оладиган киши ҳаммиса элнинг ҳурмат эътиборида бўлади.

Ҳақиқий депутат сайловчи қўнглига йўл топиб, уларни эзгуликка, яхшиликка, бунёдкорликка даъват қилади ва ўзи ҳам одамлар юрагидан жой олади. У ўз маънавий-инсоний ниҳоятда поклиги, дунёқараши кенглиги, юксак ва ўткир ижтимоий маъна, позицияда туриб, ёниб, ҳалол, тееран фикрлай олиш истеъдоди билан бошқалардан ажралиб туради. Депутатнинг энг катта душмани эса эътиборсизлик, лоқайдлик, воқеликдан ўз вақтида оғох бўлмасликдир. Яқинда Президентимиз халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида вилоятда маъсул раҳбарларнинг ўз лавозимини суиистеъмол қилиши, ишга масъулиятсизлик билан қарагани ва ўзидоғларчилигининг чуқур томир отишида депутатлар ҳамда фаолларнинг жамғина қараб турганилиги ҳам сабаб бўлганини алоҳида таъкидлади. Бундан айтиш мумкинки, мутасадди раҳбарлар уруғ-аймоқчилик, ошна-оғайнигарчи-

лик каби иллатларга берилганда, талабчанлик ва қатъиятчи бўлаётганда депутат бир четда томошабин бўлиб турмаслиги даркор. У бундай салбий ишлар учун қунониши, ўзини қийнаши, шу вазиёга олиб келган сабабларни таҳлил қилиши лозим.

Жаҳонда мураккаб мафқуравий курашлар рўй бераётган ҳозирги вақтда миллий истиқлол ғоясининг моҳиятини етти ёшдан етмиш ёшгача барчага тўри тушутириш, тарғиб-таъшиқ этиш ҳам депутат зиммасидаги муҳим ишлардан биридир. Чунки халқ ҳаёт таърибига эга бўлмаган баъзи гўр ёшларимизнинг қалби ва онгани эгаллашга бўлган бузғунчи ғоялар ва интилошлар Ватан истиқболини ўйлаган ҳар қандай жонқуярни ташвишга солиши, шубҳасиз.

Депутатнинг маънавий етуқлиги унинг аҳоли кенг қатламлари орасидаги обрў-эътиборининг гаровидир. Халқ томонидан сайланадиган киши ўша халқнинг қўғуси, яъни халқ ҳаётини, турмуш шароитини обдон ўрганган ва унинг дардларини қалбдан ҳис эта оладиган шахс бўлиши зарур. Шўролар даври сайлов кампанияларидаги сохтакорлик, ҳайбаракаллик ва баландпарвоз гапларнинг умри тугади. Бугун истиқлол туғайли ўзининг азаллий орауларига эришган ўзбек халқи ўзи сайлаган депутатларни тиссолида маънавий баркамол, қомил инсонларни қўришни истади. Бугунги номзод дунё сиебатидан тееран оғох, ер юзида содир бўлаётган глобал муаммолардан ҳабардор, жамиятнинг энг оғрикли нукталарини ҳис қилиш қобилиятига эга, маданиятли киши бўлиши даркор. Сайловчи ўз миллати, Ватани, мамлакатининг эркин фуқароси сифатида овоз берад экан, демак, ўз ишончини, эътиқодининг бир парчасини ҳам берган бўлади. Эртага у сайлаган номзод сайловолди дастуридаги режаларини унутиб, муаммоларни улар билан яқин ҳамкорликда ҳал этмаса, сайловчилари билан ойда-йилда бир марта учрашса ва мажлисларда мудрок босиб ўтирса, бундай депутатнинг обрў-эътибори бўлмайди.

Ҳуқуқий демократик, юксак тараққий этган, овоз ва обод Ватан бунёд этиш билан яшаётган эканмиш, хар биримиз бўлажак сайловларда фаол иштирок этишимиз, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларимизни тўла тушуниб, айнан кимга овоз бераётганимизни чуқур мушоҳада этган ҳолда сайловда қатнашимиз керак. Эеро, бизнинг фаоллигимиз кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятини яратишда эзгу ғояларимизнинг рўёбга чиқишида муносиб хизмат қилади.

Қиймидин НАЗАРОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор.

ПЛАСТИК КАРТОЧКАДАН ФОЙДАЛАНИШ ИХТИЁРИЙДИР

Пластик карточкалардан фойдаланиш ҳозирги кунда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида кенг тарқалган тўлов воситаларидан бири бўлиб қолди. Шу сабабли, Ўзбекистоннинг замонавий ривожланган тўлов тизимига ўтишига Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мухбиримиз ҳукуматнинг мазкур қарори ижросининг амалга оширилиши хусусида Республика Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари М.Жумагалдиев билан суҳбатлашди:

— Мухаммад Рўзимович, газетчиликнинг мазкур қарордан келиб чиқадиган ҳолатлар ва бу масалаларга қизиқиш олиб бораётгани ҳақида кўпгина саволлар келиб тўғмоқда?

— Авваламбор, қабул қилинган қарор пластик кар-

точкалар орқали ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтиришга йўналтирилганини қайд этмоқ зарур. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида картонкалардан фойдаланувчилар сони тез ўсиб, тўлов тизими мукамаллашиб бормоқда, бу эса ўз навбатида, пластик картон-

калар, нафақат банк тизимининг, балки кундалик ҳаётимизнинг муҳим қисмига айланишига сабаб бўлмоқда.

Асосий мақсад банк картонкасини оммавий ва хар бир оила учун биринчи даражали тўлов воситасига айлантиришидир. Шу боис, картонкалардан фойдаланиш кенгайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Хар биримиз тез-тез дуч келадиган объектлар, хусусан, умумий овқатланиш, тургун савдо шохобчалари, аҳолидан уй-жой коммунал тўловлари қабул қилиш пунктлари, авиа ва темир йўл кассалари, меҳмонхоналар, автомо-

(Давоми 3-бетда).

Кеча республика Байналмилал маданият марказида «Сайлов кампаниясида миллий маданий марказлар ўрни» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тенг, эркин, одилона

Уни мазкур маданият маркази директори Т. Алимов очар экан, мамлакат сиёсий жараёнида миллий маданий марказларнинг ҳам алоҳида ўрни борлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, кўп миллатли мамлакатимизда айни пайтда 140 та миллий маданий марказ фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол қатнашиб келмоқда. Тадбирда сўзга чиққан Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари С. Хўжаева мамлакатимиз сайлов қонунчилигида алоҳида ўтхалди.

— Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш натижасида рўйхатга олинган 517 нафар номзоднинг 31,3 фоизини аёллар ташкил қилади, — деди у. — Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар 12 миллат вакиллари билан иборат. Албатта, уларнинг қанчаси сайловда кўп овоз олади — буни халқимизнинг, тўғрирого, сайловчиларнинг хоҳиш-иродаси белгилаб беради.

Хал қилувчи паллага кирган сайловчи адолат меъёрлари асосида ўтказиш учун Марказий сайлов комиссияси кўзи оғизларнинг ҳам конституциявий сайлов ҳуқуқини таъминлаш мақсадида махсус бюллетень тайёрлаган. Бу МДХ мамлакатлари тарихида биринчи марта қўлланилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. МСК раиси ўринбосари сайлов бюллетенлари Давлат тилида, рус, қоралқалпоқ тилларида ҳамда ҳудудда яшовчи аҳолининг тилига қараб, тожик, қозоқ тилларида ҳам бўлишини таъкидлади.

Худойберди ЭШМАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Наркобизнесга қарши курашда БМТнинг Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг қонунчи айланшига қарши кураш конвенцияси муҳим ўрин тутди. Мамлакатимизда гиёҳвандлик ва гиёҳвандлик моддаларининг қонунчи айланшига қарши кураш бўйича давлат тизими ташкил этилган. Жорий йилнинг 1 октябрдан бошлаб халқро миқёсда ўтказилаётган гиёҳвандлик моддаларининг қонунчи айланшига қарши курашувчи «Тўсиқ — 2» тадбирида

юртимиз вакиллари фаол иштирок этипти. Пойтахтимизда «Тўсиқ — 2» тадбирининг икки ойлик якунига бағишланган халқро анжуман бўлиб ўтди. Унда мазкур тадбирда иштирок этаётган Россия, Қозғистон, Грузия, Қирғизистон, Озарбойжон, Украина, Тожикистон, Молдова каби давлатларнинг ички ишлар идоралари масъул ходимлари, АҚШ, Россия ва Тожикистондаги гиёҳвандлик ва гиёҳвандлик моддалари айланшига қарши курашувчи ташки-

лотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Х.Иброҳимов мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши кураш масаласи доимий эътиборда эканини таъкидлади. «Заҳри қотил»ни республикамизга контрабанда йўли билан олиб кириш ва транзитининг олдини олиш учун таъсирчан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги қонунчилик халқро меъёрларга мос ра-

ШОШИЛИНГ! БАРЧАСИ СИЗ УЧУН!

2005 йил учун обуна кампанияси ўзининг қизгин палласига кириб бормоқда. Бу муҳим тадбирни юқори савияда ўтказиш учун «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг 14 та худудий почта корхонасига қарашли 189 та туман ва шаҳар алоқа боғламаси ҳамда 3017 та алоқа бўлими фаолият юритмоқда.

Бундан ташқари, йирик корхоналар ва ўқув юртларида обуна қабул қилиш пунктлари ташкил қилинган. Шунингдек, бу ишга кўп миң сонли хат ташувчилар жалб этилган.



«Халқ сўзи» ва «Народное слово»

газеталарига обунани почта корхоналари орқали расмийлаштиринг, улар нашрларни республика ҳудуди бўйича ўз вақтида қўрсатилган манзилга етказиб беришни кафолатлайди.


КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

2004-2005 ўқув йилида бакалаврлар учун таъсис этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси совриндори бўлган талабалар



АТАЖАНОВ Жасур Абдушарипович
(техника ва информатика таълим йўналишлари бўйича)

Урганч давлат университети «Информатика ва ахборот технологиялари» йўналиши 4-курс талабаси. Республика ва жаҳон олимпиадаларида иштирок этиб келмоқда. Ўқиш давомида яхши натижаларга эришганлиги туфайли 2003 йилда Урганч давлат университетининг «Ал-Хоразмий» номи стипендияси соҳиби бўлган. Инглиз ва рус тилларини яхши билади. «Абитуриентлар ҳужжатларини қайта ишлашда компьютер технологиясининг роли» мавзусида илмий иш олиб борапти. Айти пайтада университетнинг локал тармоқда ишлайдиган рейтинг системасини яратиш устида ишлари билан банд.



ХОЛОВ Хапуржон Улуғбекович
(иқтисодий таълим йўналиши бўйича)

1979 йил туғилган. 2000 йили Сирдарё механика-иқтисодий коллежини битирган. Тошкент молия институтини «Қимматли қозғалар ва биржа иши» йўналиши 4-курс талабаси. Республика матбуотида ва Халқаро илмий-амалий конференцияларда ўзининг илмий мақолалари ва маърузалари билан ишчил қатнашиб келмоқда.

2004 йилда Республика олий ўқув юртлири ўртасида ўтказилган «Йилнинг энг яхши тоғиси» танлови совриндори бўлган.

Шу кунларда «Ўзбекистонда фонд бозорини такомиллаштиришда муаммо ва ечимлар» мавзусида илмий тадқиқот олиб бормоқда. Инглиз ва рус тилларини яхши билади.



СОБИРОВА Дилноза Жўрақулловна
(журналистика таълим йўналиши бўйича)

1983 йил туғилган. 2001 йил Навоий давлат педагогика институтини қошидаги академик лицейини тугатган. 2001 йил рус тили ва адабиёти фанидан Республика олимпиадаси қолиби бўлиб, Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетига

имтиҳонсиз қабул қилинган.

Атло баҳоларга ўқиши билан бир қаторда, университет миқёсидаги барча тадбирларда фаол қатнашди, журналистика факультетининг «Журналист» газетасини тайёрлашда бош муҳаррир сифатида иштирок этади. Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «ТВ-1», «Ешлар», «ТВ» телеканалларида ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва илмий-оммавий мавзулардаги қизиқарли дастурлари билан мунтазам чиқишлар қилиб туради. Матбуот назарияси, ОАВ қонунчилигининг долзарб масалалари бўйича илмий ва илмий-оммабоп мақолалари билан матбуотда қатнашиб келмоқда. Ҳозирги кунда «Журналистиканинг ешлар тарбиясидаги ўрни» мавзусида бакалаврлик илмий иши билан шуғулланмоқда. Инглиз ва рус тилларини мукамал билади.

ҲАМРОКУЛОВА Шохиста Шамшиддиновна
(гуманитар таълим йўналишлари бўйича)



1983 йилда туғилган. Самарқанд давлат университети тарих факультети 4-курс талабаси. 1999 йил Оқдарё туман халқ таълими бўлими томонидан ўтказилган «Сиз тарихни биласизми?» номи қўриқ-танловда қатнашиб, фахрли I ўринни эгаллаган.

2003-2004 ўқув йилида Амир Темур жамғармаси томонидан ўтказилган қўриқ-танловда иштирок этиб, Амир Темур номидаги стипендия совриндори бўлган. 2004 йилда талабаларнинг илмий анжуманида ўз мақоласи билан иштирок этиб, тадқиқот иши биринчи ўринга лойиқ деб топилган. Инглиз ва рус тилларини яхши билади.

Ҳозирги кунда Европа халқлари тарихининг Туркистон билан боғлиқ масалалари тўғрисида илмий изланишлар олиб бормоқда ва шу мавзудаги бир неча мақолалари матбуотда чоп этилган.

ОДИЛОВ Воҳид Ҳакимович
(хуқуқ ва халқаро муносабатлар таълим йўналишлари бўйича)



Фарғона давлат университети «Хуқуқшунослик» йўналиши 4-курс талабаси. Университет миқёсидаги илмий конференция ва семинарларда маърузалари билан мунтазам қатнашиб келмоқда.

«Ҳаётга қарши жиноятлар» мавзусида илмий иш олиб бормоқда. Худ-

ди шу мавзудаги мақолалари билан газета ва журналларда қатнашиб турибди. Инглиз ва рус тилларида эркин мулоқот қила олади.



ХОДЖАЕВ Бегзод Худойбердиевич
(педагогика таълим йўналишлари бўйича)

Тошкент давлат педагогика университети тарих факультети 4-курс талабаси.

Университетда бўлиб ўтадиган илмий анжуман ва семинарларда ўз маърузалари билан мунтазам иштирок этиб боради. Жумладан, 2003 йилда педагогика йўналиши бўйича ўтказилган талабаларнинг илмий-амалий анжуманида унинг маърузаси «Энг яхши илмий иш» деб баҳоланган. 2004 йил май ойида олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилган Республика олимпиадасида педагогика фани бўйича фахрли I ўринни олган. Инглиз ва рус тилларини яхши билади.

Айти пайтада «Тарих дарсларида ўқувчиларнинг танқидий фикрлашни ривожлантириш» мавзусида илмий тадқиқот олиб бормоқда.

ТАГИЕВА Гузаль Юнусовна
(маданият ва санъат таълим йўналишлари бўйича)



1983 йилда туғилган. 2001 йили В.А. Успенский номидаги Республика ўрта махсус музыка мактабини аъло баҳола билан тугатиб, Ўзбекистон давлат консерваториясига махсус фортепиано йўналиши бўйича ўқишга кирган.

2002 йили Италиянинг Агрополь шаҳрида XXV Халқаро пианиночилар танловида, 2004 йилда эса Франциянинг Гайор шаҳрида IV Халқаро пианиночилар танловида қатнашиб, Ўзбекистон музика мактабининг юксак даражасини кўрсата олди.

Республикамизнинг кўплаб шаҳарларида концерт дастурлари билан чиқиб, ўз мухлисларини хушнуд этиб келмоқда. Инглиз тилини яхши билади.

СУЛТОНКУЛОВА Малика Азизовна
(чет тиллар таълим йўналиши бўйича)



1984 йил туғилган. 2001 йил Тошкент шаҳар, Сирғали туманидаги 6-лицей-интернатни имтиёзли тамомлаган. Ҳозир Ўзбекистон Миллий университети «Инглиз тили ва адабиёти» йўналиши 4-курс талабаси.

Университет талабалари илмий анжуманларида ўз маърузалари билан муваффақиятли иштирок этган ва имтиёзли ўринларни эгаллаган. Ҳозирги кунда «Инглиз тили диалектологияси» мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда. Инглиз, рус, немис ва япон тилларида эркин мулоқотга кириша олади.

Малика Султонкулова Республика миқёсида ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» 2003 йилги қўриқ танловида яқка ижрочи сифатида қатнашиб, Ўзбекистон Миллий университетининг фахрли 3-ўринни олишида ўз ҳиссасини қўшган.

ПЛАСТИК КАРТОЧКАДАН ФЙДАЛАНИШ ИХТИЁРИЙДИР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

билларга ёқилги қўйиш шохбачалари, алоқа бўлимлари ва аҳолидан бошқа нақд пуллар қабул қилиш бўлимлари терминаллар билан жиҳозланмоқда.

— **Айтиг-чи, шундай қилиб пластик карточка ўзида нимани ёфода этади, улардан фойдаланиш нақд пулга нисбатан қандай хусусият ва устунликларга эга?**

— Банклар томонидан чиқарилаётган пластик карточкалар, авваломбор, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг қўлай шаклидир. Ушбу карточкалар пластикдан тайёрлангани учун улар шундай номланган.

Карточкалар шахсий ва корпоратив бўлиши мумкин. Биринчидан жисмоний шахслар, иккинчидан юридик шахслар фойдаланади. Корпоратив карточкалар компания ҳисоб рақамига боғлиқ бўлиб, фақат юридик шахсларга расмийлаштирилади.

Компаниянинг ваколатли фойдаланувчиси ушбу карточка орқали канцелярия моллари, компаниянинг автотранспорти учун ёқилги, авиачипталар сотиб олиши ёки хизмат сафари харажатларини қоплаши мумкин.

Республикада пластик карточкалардан фойдаланишда ўзи яраша аниқ устунликларга эга. Бу, биринчи навбатда, молиявий операциялар ўтказишда ҳамда товар ва хизматлар учун тўловларни амалга оширишда харажатларни камайтиради, сарфланаётган вақтни тежайди. Одатда, карта эгаларига савдо ва хизмат кўрсатувчи корхоналарда хизмат кўрсатилаётганда бир қатор имтиёзлар берилади.

Пластик карточкалардан фойдаланишнинг яна бир қўлайлиги шундаки, ушбу карточкалар ҳисобидан чекланмаган пул маблағи туриши мумкин ва катта нархли товарни харид қилаётган харидор ўзи билан катта миқдорда нақд пулни олиб юришига ҳоҳат қолмайди. Бундан ташқари, пластик карта ҳисобидан қолдиқдан маълум фойзалар олиши мумкин. Бордию пластик карта

эгаси ўз картасини йўқотиб қўйса, бу у ўз пулини йўқотди дегани эмас. Хар бир карта алоҳида хусусий код (парол) билан ҳимояланган. Ушбу кодни фақат карта эгаси билади, бу эса, ўз навбатида, картадан бошқа шахслар фойдаланишига чек қўяди. Шу билан бирга, картадаги пулни тўлиқ ҳимоялаш ва сақлаш учун кодни бошқа шахслардан сир тутиш лозим, пластик карта йўқолган пайтада картадаги маблағлар ҳаракатини тўхтайти қўйиш (блокировка) учун зудлик билан ушбу картани берган банкка хабар бериш керак. Шундай қилиб, пластик карточкадан фойдаланиш пулни йўқотиш таваккалчилигини камайтиради ва ўрғил хавф-хатарини бартараф этади.

— **Чакана савдо корхоналари ўз товарини сотаётганда пластик карточка орқали тўловларни қабул қилишда қандай имтиёзларга эга?**

— Пластик карточка орқали тўловларни қабул қилувчи савдо ва хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг пул маблағларини топшириш ва ечиш билан боғлиқ харажатлари камаяди, харидорлар билан ҳисоб-китобларини осонлаштиради. Шунингдек, ҳуқуқат қарорини мувофиқ, товарлар тўловини пластик карточкалар орқали қабул қилаётган савдо корхоналарига солиқ имтиёзлари берилган, яъни пластик карточка орқали олинган товарлар айланмасолиқ йўли билан бундан ташқари, ҳуқуқат қарорини мувофиқ юридик шахслар томонидан корпоратив пластик карточкалардан фойдаланишига тегишли қисмида чакана савдо корхоналари томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар орқали товарларни аввалги ойдаги ойлик товар айланмасининг 10 фоиз миқдорига чекланиш таълиқлик чекловлар бекор қилинган.

— **Барча турдаги корхона ва ташкилотларнинг ходимлари иш ҳақини пластик карточкалар орқали олишга ўтиши мажбурийми?**

— Иш ҳақининг пластик карточкалар орқали тўланиши бўйича Тошкент шаҳрида амалга оширилган экспериментал тажиба ўзини оқлади. Ҳозирги кунда кўпгина тижорат банклари, корхона ва ташкилотларнинг ходимлари банк пластик карточкалар орқали олинишини афзал билимоқдалар.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, «иш ҳақи лойиҳалари» жорий этилиши ва пластик карточкалар берилиши фақат ихтиёрий равишда амалга оширилади. Мазкур масаланинг ечимини тўлиқ корхоналар ёки ташкилотлар жамоасининг ҳошиш ва истагига боғлиқ бўлиб, ҳар бир ҳолат хизмат кўрсатувчи банк билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

Бундан ташқари, корхона ва ташкилотлар ходимларининг тақлифларидан қелиб чиқиб, ҳар бир миқдорга тижорат банки томонидан иш ҳақининг маълум қисми пластик карточка орқали берилиши ҳам мумкин. Қўлланилаётган карточка технологиялари нақд пулсиз ҳисоб-китобларда маблағларни ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш тизимини турли миқдорларда мослаштириш имконини беради.

— **Пенсия ва ижтимоий нафақаларни олишда пластик карточкалардан фойдаланиш мумкинми?**

— Пластик карточкалар ҳоҳлаган қисмида ўз аризага мувофиқ берилиши мумкин. Пенсия ва нафақалар, ижтимоий нафақа олаётган кишилар ҳошишига қараб кўрсатилган хизматлар ва сотиб олинган товарлар учун ҳисоб-китоб қилишда пластик карточкаларга ўтказилиши мумкин.

Бунинг пенсионер ва нафақадорларга фойдали томони шундаки, ушбу пластик карточкаларда сақланаётган маблағ қолдиқларига банк фойзалари ҳисоблаб, тўланиб борилади.

— **Савдо терминалларининг қайси банк томонидан ўрнатилишида ҳам фарқ борми? Бир банкдан пластик картани олган киши савдо ташкило-**

тида товарлар ва хизматлар савдоси учун бошқа банк томонидан ўрнатилган савдо терминалидан фойдаланиш мумкинми?

— Тижорат банклари дастурий таъминот ва жиҳозларни ишлаб чиқарувчи компаниялар билан ҳамкорликда, қайси банк миқдорлари бўлишидан ва хизмат кўрсатиш соҳаларидан ёки пластик карточка қайси банк томонидан чиқарилганидан қатъи назар барча савдо шохбачаларида ягона тизимда банк операцияларини ўтказиш имконияти таъминланган.

Бундан ташқари, миқдорларга пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш учун тижорат банклари томонидан ягона тарифлар ўрнатилган. Шунга алоҳида эътибор қаратиш лозимки, тижорат банклари томонидан пластик карточкаларни муомалага чиқаришда ва улар бўйича тўловларни амалга оширишда ҳеч қандай ҳақ олинмайди.

— **Пластик карточкалар ёрдамида махсуслот ва хизматлар учун тўловлардан ташқари яна қандай операцияларни амалга ошириш мумкин?**

— Пластик карточкалар ёрдамида хизмат кўрсатаётган банкнинг филиали, минибанки ёки махсус кассасида жойлашган банкоматлар орқали нақд пул олиш мумкин.

Шунингдек, битта пластик карточкадан банкнинг бошқа ҳисобрақамларига, шу жумладан, бошқа шахсининг пластик карточкасига маблағларни қўчириш каби операцияларни амалга ошириш имконияти мавжуд. Бунинг учун хизмат кўрсатаётган банкка мурожаат қилиниши лозим ва ушбу банк ҳар қандай тўлов топшириқомасини сизнинг аризагизга асосан баҳарлади.

Банклар томонидан пластик карточка эгаларига кўрсатилаётган хизматларнинг кенг тарқалган турлари сирасига коммунал хизмат тўловлари, ўқув контракт тўловлари, уяли алоқа хизмати учун тўловлар ва бошқа кўплаб хизматлар ва харажатлар учун тўловлар кирди.

А. ЭРНАЗАРОВ сўхбатлашди.

Ҳамма юридик ва жисмоний шахслар диққатига!




«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ

2005 йили ўлчаш воситаларини мажбурий давлат қиёслашидан ўтказиш учун шартнома-жадваллар тузади.

Шартнома-жадвалларни тузиш муддати — 2005 йил 1 февралгача.

Маълумот учун телефонлар:
114-37-03, 114-37-21.
Факс: 114-36-90.
E-mail: metrolog@sarkor.uz



Ҳар йили — янги кашфиётлар

Ҳурматли йўловчилар!

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси 2005 йил февраль ойидан

ТОШКЕНТ — ШАНХАЙ — ПЕКІН — ТОШКЕНТ

йўналиши бўйича парвозларни бошлайди.

Катталиги жиҳатидан Пекиндан кейинги ўринда турадиган Хитойнинг Шанхай шаҳри жаҳоннинг йирик молия, савдо ва транспорт марказларидан биридир. Мазкур минтақадаги эркин иқтисодий зонаси Халқаро бизнес ва туризмни ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратади. Замоноҳий мегаполис, мағнолиялар шаҳри кўплаб тарихий обидалар, музейлар, замонавий технологияларга бой бўлиб, дам олиш ва даволаниш учун ажойиб курорт жойларига эгадир.

Ушбу рейс «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг Европа йўналишларининг барчаси билан тўраши учун қўлайдир.


Рейс ҳақидаги маълумотни Миллий авиакомпаниянинг Ҳаво алоқалари бош агентлигидан олиш мумкин: Тошкент ш., У.Носир к., 9-уй. Тел.: (998712) 56-38-37, 066.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» билан янги йўналишлар ва мамлакатларни кашф этинг!

ҲАФТАНИНГ ЧОРШАНБА КУНИДА
НУ-501 рейси
Тошкентдан учиши — 10.55
Шанхайга келиши — 20.30
Шанхайдан учиши — 21.50
Пекингга келиши — 23.45
НУ-502 рейси
Пекиндан учиши — 00.55+1
Тошкентга келиши — 04.05

Муаллим яратган хазина

ундан ким, қандай фойдаланмоқда?



зиё улашишни, катта-ю кички бебаҳо бойлик — китобга ошно этишни ҳам ўзи учун шараф деб билди. Шу ниятда унча-мунча раҳбар-у тадбиркорнинг хаёлига келмаган савобли ишга қўл урди. Шахсий сармоясига эвазига мўъжазгина кутубхона тиклади. Пировардида уни меҳр-муруватнинг рамзи сифатида ҳамкишлоқларига туффа қилди.

Пайриқ туманида Қорабайр деган кишлоқ бор. Шу масканда замонавий услубда қад ростлаган қўшқаватли битта бино бор. Унга кираверишдаги пешлавахга шундай сўзлар битиб қўйилган: "20-кутубхона. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Баҳром Самадов маблағига қурилган".

Бу зиё масканнинг пастки қаватига бадий асарлардан ташқари, адабиётшуносликка, тилшуносликка, руҳиятшуносликка, санъатга ва табиий фанларга оид китоблар ҳам жамланган. Барчаси мавзуси буйича ажратишиб, алоҳида-алоҳида жавонларга батариб жойлаштирилган. Уларнинг қисқача мазмунини ҳақиқатга маълумотлар эса "Энергетика", "Радиотехника", "Қизилқорғон", "Зангорин экран", "Сайёрамининг оловли нуқталари", "Қонун, бурч ва болалар" деб номланган картотекаларда ўз ифодасини топган. Яна бир гап: хозир ай-

республикамизда амалга оширилган тўб ишхоналар самараси билан танишиш имконини берса, "Амир Темур севган юрт", "Самарқанд жамоли" деб номланган бурчаклардаги экспонатлар қўнға замин тарихи-ю бугунидан хикоя қилади.

Ха, жонқуяр ўқитувчи Баҳром Самадов ташаббуси билан Пайриқда ўзига хос бебаҳо хазина вужудга келган. У на-да маънавият-маърифат марказига, на-да маданият-истироҳат шохобчасига эга бўлмаган қишлоққа шохи сузана мисоли ярашқуб тўшган. Бирок...

Бетга айтганнинг захри йўқ, бизнинг назаримизда, қорабайриқларда маънавиятларини улуксиз бойитиб бориш учун бироз қўнғ-ҳар-сала етишмайдигандек қўри-нади. Бундай дейишимизнинг боиси — эзу ниятда тикланган кутубхона қўнғна ҳувиллаб ётади. Унга, айрим мактаб ўқувчиларини истисно қилганда, катта ёшлар даярли бош сўқимамайди. Озгина вақт топиб, китоб ўқишмайди, газета-журнал варақлашмайди. Холбуки, қишлоққа икки мингдан зиёд аҳоли яшади.

Одамни масаланинг ана шу жиҳати андак ўйга толдиради.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА! ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.

Мўлоқот учун телефонлар: Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.

«ГАЗ-31105» «ИЖ-2717», «ГАЗЕЛЬ» «ВАЗ-2106»

Ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган ва авлоддан-авлодга ноёб мерос сифатида ўтиб келатган ҳозирги рақс санъати бор. Унинг таъсир кучи қудратли ва беқийдир. Атоқли сиёсат ва давлат арбоби Жаҳоҳарлаёв Неру Ҳиндистонни биринчи марта Бобур забт этган бўлса, иккинчи бор Мухаррамаҳомид ўз рақслари билан забт этди, деганида шуни назарда тутган бўлса ажабмас.

Тўйдаги изтироб

Кадимдан мавжуд бўлган ўзбек миллий рақс мактаби Мухаррама Турғунбоева ва Исхор Оқилов номи билан чамбарчас боғлиқ. Гўзал рақс намуналарини тўплаш, бойитиш, халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига мазкур бебаҳо бойликларга чуқур ҳурмат ва ҳавас туйғулари синдириш, уларда миллий маданият, маънавият ҳамда қадриятларимизга нисбатан эҳтиром ҳисларини юксалтиришда ўзбек рақс мактаби ва санъатининг роли жуда катта.

Шу йилнинг август ойида Сирдарё туманига тўйга таклиф этилди. Меҳнат тўйида эканлигим туғайли бир баҳри дилимни ёзиб келаман деб ўйлагандим. Янгилик эканман. Тўйхонадаги исрофгарчилик ва ҳаддан ташқари ичкилик-бозлиқни кўриб бир сикилсам, санъаткорларнинг бейтаин қўшиқлари-ю ўйинчилари (раққоса дейишга тилим бор-майди)нинг кучи кетиши мумкин бўларди. Гап шундаки, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида никоҳ тўйлари ўйинчисиз ўтмайди. Уларнинг аксарияти туман маданият уйларига қарашли ҳаваскорлик дасталарида ишлайди. Шу ўринда туман ҳокимлигининг маданият бўлими қабққа қараяпти деган савол туғилиши табиий.



Агар бундай манзаралар онда-сонда учраганда кўз омиб кетиши мумкин бўларди. Гап шундаки, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида никоҳ тўйлари ўйинчисиз ўтмайди. Уларнинг аксарияти туман маданият уйларига қарашли ҳаваскорлик дасталарида ишлайди. Шу ўринда туман ҳокимлигининг маданият бўлими қабққа қараяпти деган савол туғилиши табиий.

Хоразмда «Ҳосил байрами»



Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Наманган шошилинчи тиббий ёрдам марказида нейрохирургиянинг замонавий йўналишлари мавзусида 2-республика илмий-амалий ўқув семинари бўлиб ўтди. Бир ҳафталик анжуманда мамлакатимиздаги етакчи нейрохирурглар ва хорижий мутахассислар иштирок этди. Ўқув ва амалиёт жараёнларида Россиянинг дунёга машҳур нейрохирурглари О. Древал, В. Лазарев, А. Басковлар бош мия, умуртка ва орқа мия шикастлари ҳамда бош мия ўсимасини замонавий даволаш борасидаги тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Кўн тартибидан: Нейрохирургия муаммолари

Наманган шошилинчи тиббий ёрдам марказида нейрохирургиянинг замонавий йўналишлари мавзусида 2-республика илмий-амалий ўқув семинари бўлиб ўтди. Бир ҳафталик анжуманда мамлакатимиздаги етакчи нейрохирурглар ва хорижий мутахассислар иштирок этди. Ўқув ва амалиёт жараёнларида Россиянинг дунёга машҳур нейрохирурглари О. Древал, В. Лазарев, А. Басковлар бош мия, умуртка ва орқа мия шикастлари ҳамда бош мия ўсимасини замонавий даволаш борасидаги тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН ЛИНОЛЕУМЛАРНИ ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.

Улгуржи нархлар. Хар доим Тошкентдаги омбордан.

Телефон 134-48-11.

Автомобиллар ва ишлаб чиқариш хоналари учун емирилишга чидамли ТРАНСЛИН қопламаси.

Пахта толасини қайта ишлабдиган истеъмолчилар ва корхоналар диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛ ХОМАШЭ БИРЖАСИ

2004 йил 16 декабрь куни соат 15.00да республика истеъмолчиларига миллий валютага пахта толасини сотиш бўйича кимосиди савдоларини ўтказди.

Қатнашчиларни рўйхатга олиш савдо ўтказиладиган кўн соат 10.00 дан Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохқўчаси, 53-«А» бинода (Давлат Мулк кўмитаси биносининг чап қанотида) ўтказилади. Худудий «Пахтасаноат» уюшмалари томонидан қўйилган пахта толасининг миқдори ва бошланғич нархлари тўғрисидаги маълумотни Ўзбекистон Республикаси Мол хомашэ биржасидан ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги филиалларидан олишингиз мумкин.

Маълумот учун телефон: 139-83-88, факс: 139-22-27.

«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация) ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»

предлагает к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.

Завод-изготовитель — «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)

Диаметры труб (мм)	Цена за 1 тонну сум.
ДУ 15х2,8 мм	939000
ДУ 20х2,8 мм	939000
ДУ 25х3,2 мм	929000
ДУ 32х3,2 мм	919000
ДУ 40х3,0 мм	919000
ДУ 50х3,0 мм	919000
ДУ 65х4,0 мм	919000
ДУ 80х3,5 мм	919000
ДУ 100х4,0-5,0 мм	986000

ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75

Диаметры труб (мм)	Цена за 1 тонну сум.
57х3,5 мм	994000
76х2,8-4,5 мм	994000
89х5,0 мм	919000
108х3,0-4,5 мм	994000
114х3,0-6,0 мм	994000
159х5,0-6,0 мм	1177000

ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80

Кроме того, под заказ поставляем металлургические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):

- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синарский трубный завод (г.Камонск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).

Контактные телефоны: 132-20-56, 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56. E-mail: uzkommash@tk.uz Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Низэбек йули, 1, 7-й этаж, здание института «Ўзбеккоммуналлойдха».

ТАДБИРКОРЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР, ХОРИЖИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ИНВЕСТИТОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 мартдаги 97-сонли қарорига асосан

ДАВЛАТ МУЛКНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ КЎМИТАСИ

«Қурилишматериалсаноатбўтлаш» акциядорлик жамияти устав фондининг 25 фоизлик давлат активдаги акциялар пакетини (бошланғич баҳоси 49091,6 минг сўм) сотиш бўйича 2005 йил 17 январь соат 12.00 да

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШНИНГ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Ўтказиладиган танлов савдосининг асосий шартлари этиб қуйидагилар белгиланган:

- танлов савдоларида иштирок этиш истагини билдирган сармоядор сотилиши белгиланган акция пакетининг бошланғич баҳосидан 15 фоиз, яъни 7363 минг сўм миқдорига қафолат маблағини кўмитанинг махсус ҳисоб рақамига (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Тошкент шаҳар бошқармасининг ҳисоб-китоб ва касса марказидаги махсус ҳисоб рақами 21508000500600289001, МФО 00014, ИНН 201122696) тўлаш;
- сотилиши белгиланган 25 фоизлик давлат активдаги акция пакетини сотиб олиш учун энг юқори баҳони таклиф қилиш;
- акциядорлик жамиятини иқтисодий ривожлантириш бўйича бизнес-режани тақдим этиш;
- акциядорлик жамиятини қисқа (1-3 йил) муддатда янги технологик усунанлар билан жиҳозлаш ва молиявий ҳолатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш.

Танлов савдосида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий сармоядорлар таклифлари 2005 йил 14 январь соат 18.00 гача қабул қилинади.

Ўтказиладиган танлов савдолари шартлари бўйича Тошкент шаҳри, 700003, «Ўзбекистон» шохқўчаси, 55-уй, Давлат мулк кўмитасига бевосита ёки 139-22-37, 139-20-22 телефонлари орқали мувожаат этиш мумкин.

ИИБ Матбуот маркази хабар қилади

Хиёнатга чидолмади

Икки синфдош бир-бирига ёшлигидан қўнғил қўйишганди. Олий ўқув юртида ҳам бирга ўқишди. Институтни тамомлагач тўйлари бўлди. Бахтишод умр йўлдошини ҳеч кимга ишонмас, хатто хизмат сарфарларига ҳам аёлини олиб кетгиси келарди.

Гулидага эса бу ёқмас, кейинги пайтларда хатто Бахтишоднинг уйда бор-йўқлигига ҳам эътибор бермай қўйган. Фақат эизаклари — Фотима — Зухролар дадажонларини ишдан қаттиганда кутиб, кетаётганида кузатиб қолишарди. Бахтишод бўлса рафикасининг қўнғилга йўл тополмаётганидан эзилар, ҳеч кимга дардини айтолмасди.

У навбатдаги хизмат савофига отланди. Беш кунлик сафарнинг иккинчи куниде Бахтишод уйга қайтгиси келди, негадир қўнғил гаш эди. Сабоби у уйга келганда аён бўлди. Не кўз билан кўрсинки, уйда ёшиққан бирга ўсган ўртоғи Дилмурод ўтирарди. У ҳам, хотини ҳам маст-аласт эдилар. Шунда, Гулида Бахтишоддан қўнғил совганини, анчадан бери Дилмурод билан бир-бирларини ақтаришларини очикдан-очик айтиди. Қўзлари қонга тўлган Бахтишод ҳаёлидан аёли билан кечирган ширин лаҳзалар бир зумгана ўтди-ю, қўнғил тўшган пичоқни Гулидага санчди...

Андижон вилояти қишлоқларидан бирида бўлган бағва туғайли Фотима-Зухролар етим қолишди. Хозирда ушбу иш юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмакда.

Ўзингдан чиққан балага...



Асли сирдарёлик бўлган Йўлдош ака Тошкентга келиб, тадбиркорлик билан шуғуллана бошлади. Оиласини ҳам пойтахтга олиб келган эса бу ердан умуман кета олмади. Бу орада жияни мактабни битириб, шаҳарга келиб ўқимокчи бўлди. Бу ҳақда тоғасига айтиб, унинг уйда яшаб туришга ижозат сўради. Йўлдош ака бунга қаршилик қилмади. «Жигаримнинг жигарисан, истаганинча яшайвер, ҳеч нарсага зориктирмаман», деди у.

Аммо Ақбар тоғасининг ишоничи оқлолмади. Аввалига «Ўқишга кирдим», дея ҳаммани алдаб юрди. Кўнчада дайиб тоғани — бекорчи оғайнилари бўлди. Улар билан кимор уйнаб, катта пул ютқазгандагина нима иш қилиб қўйганини англади. Бирок орқага йўл йўқ эди. Ақбар тоғасининг аёли ҳам йўқлигидан фойдаланиб, олти миллион сўмлик турли хил заргарлик буюмларини ўғирлаб кетаётганида қўлга тушди.

Пойтахтнинг Миробод туманида содир бўлган бу жиноят юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмакда.

Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА, ИИБ Матбуот маркази жамоати мухбири.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати: Э. Болнев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралдинов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълолар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги жамоаси Реклама тижорат департаменти директори Эркин Шо-назарова падади бузуқвор

НАИМ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат авиация институтини раҳбарияти ва касабга уюшмаси маънавий-маърифий масалалар бўйича биринчи проректор М. Ортоқова падади бузуқвор

АБДУРАҲМОН отанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети ректори ва «Электрон ҳисоблаш воситаларини лойиҳалаш ва технологияси кафедраси жамоаси доцент Аълохон Қаҳқоровга падади бузуқвор

АБРОРХОН аканинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Молия институтини жамоаси Банк иш қисми кафедраси доценти Ақром Камолова волида муҳтарамаси

НУСРАТ аканинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма № 264 21387 нускада босилди, ҳажми — 2 рақоб. Обреш усулида босилган. Қўнғил билими А-2

Газета ИВМ компьютерда терилди ва операторлар Жамал Тоғоев ва Баҳошир Файзуев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳар ҳафта 5 қондан зиёд материаллар қабул қилинади.

©-Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 21.10 12345